

**САНОАТ КОРХОНАДАРИНИ ШАХАР ТАРКИБИДА  
ЖОЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ.**

Саримсоқов Сардор Шойзакович  
Норматова Наргиза Азимжоновна  
Жиззах политехника институти  
Бино ва иншиоотлар қурилиши  
кафедраси асистентлари

**Аннотация:** Ушбу мақолада саноат корхоналарининг санитария классификацияси келтирилган. Саноат корхоналарини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар ва технологик жараёнлар келтирилиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** классификация, комплекс, худуд, саноат, санитария, экология

Саноат биноларини лойиҳалаштиришнинг муҳим муаммоларидан бири уларни шаҳар худудида тўғри лойиҳалаштиришдир. Бу вазифани оқилона ҳал зтишнинг иқтисодий, ижтимоий, санитария ва экология жихатларидан ахамияти катта.

Ҳозирги саноати ривожланган шаҳарларда ишлаб чиқариш корхоналарини гуруҳ қилиб ягона ҳудудий комплексда - саноат ҳудудида жойлаштириш замонавий шаҳарсозликнинг асосий услуги бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, саноат корхоналарнинг гурухлаб алоҳида саноат ҳудудларида жойлаштириш уларнинг инженерлик коммуникацияларини, энергетика хўжалигини, ташки транспорт системаларини кооперациялаш, меҳнаткашларга маданий-маишӣ хизмат қўрсатиш соҳасини мақсадга мувофиқ равища ташкил этиш имконини яратади. Шу билан бирга саноат корхоналарини тарқоқ ҳолда жойлаштиришга нисбатан ер майдони 10 %, темир йуллар узунлиги 20 %, автомобиль йўлларининг узунлиги 10 %, инженерлик тармоқларининг узунлиги 15 %, алоҳида биноларнинг сони 25 % тежалади ва қурилиш муддати ҳам 10 % қисқаради.

Саноат ҳудудларини лойиҳалашда ишлаб чиқариш муҳити бир ҳил ёки бир-бирига яқин саноат биноларини бирлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айрим шаҳарларда саноат корхоналари ва уларга алоқадор инженерлик, транспорт иншиоотлари ва бошқа обьектлар билан банд бўлган ер майдонлари шаҳар ҳудудининг 50 - 60 % ни ташкил қиласди. Шуни таъкидлаш лозимки, бир қатор ишлаб чиқариш корхоналаридаги технологик ечимларнинг ҳозирги даражасида улардан ажralиб чиқадиган чиқиндиларнинг заарли таъсирини бутунлай бартараф қилишнинг имконияти йўқ.

Корхоналарнинг қуввати, улардан ажralиб чиқадиган заарли моддаларнинг миқдори ва ҳосил бўладиган шовқиннинг даражасига қараб, саноат корхоналарининг санитария классификацияси ишлаб чиқилган, уларни 5 классга бўлинади. Шу классификацияга мувофиқ равища саноат ҳудуди ва аҳоли яшайдиган ҳудудлар орасида санитария-ҳимоя зонаси бўлиши зарур. Санитария-ҳимоя зонасининг кенглиги қуйидагича белгиланган:

- I синф корхоналар учун - камида 1000 м;
- II синф корхоналар учун - камида 500 м;
- III синф корхоналар учун - камида 300 м;
- IV синф корхоналар учун - камида 100 м;
- V синф корхоналар учун - камида 50 м.

I ва II синф корхоналарга кимё, металлургия, нефть қазиб олиш, гидро ва атом электростанциялари ва шунга ўхшашиб корхоналар мисол бўлади. III ва IV синф корхоналарга машинасозлик ва асбобсозлик заводлари, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари, V- синф корхоналарга озиқ-овкат, гўшт-сут ишлаб чиқариш ва электроника саноати корхоналари мисол бўлади.

Саноат ҳудудларини ташкил қилиш ва уларга ер майдони ажратишда қўйидаги талабларни ҳисобга олиш керак

1) саноатнинг табиатга ва шаҳар микроиқлимига заарли таъсирини бутунлай бартараф қилиш ёки имкони борича камайтириш;



Lobachevsky  
UNIVERSITY



- 2) саноат ҳудуди билан аҳоли яшайдиган ҳудудлар орасида яқин ва қулай транспорт алоқасини таъминлаш;
- 3) ер майдонидан унумли фойдаланиш, саноат қурилишининг рельефга ва қурилиш майдонининг грунт шароитларига қуядиган талабларини қондириш;
- 4} алоҳида корхоналарнинг истиқболда кенгайишига имконият яратиш;
- 5) саноат ҳудудида мумкин қадар қўпроқ корхоналарни жойлаштириш.

Санитария классификациясига мувофиқ равишда саноат корхоналарини шаҳар-ҳудудида қўйидаги усулларда жойлаштирилиши мумкин:

1) шаҳардан ташқарида аҳоли яшайдиган ҳудуддан маълум масофада;

2) шаҳарнинг бевосита атроф-четида;

3) бевосита шаҳарнинг ичидা,



Шаҳарнинг нисбатан зарарсиз, транспорт оқими кам, асосан автомобиль транспортидан фойдаланиладиган корхоналар билан аҳоли яшайдиган қисми бирга жойлашган

ҳудудларини ишлаб чиқариш - яшаш зонаси деб аталади. Шаҳарда бир ёки бир нечта саноат ҳудудлари ва ишлаб чиқариш-яшаш зоналари бўлиши мумкин. Саноат ҳудудларининг план ечими 2 – хил бўлади: лентасимон ва ичкари- аралаш

Лентасимон план ечими саноат ҳудудларида санитария классификацияси бир хил ёки бир-бирига яқин классга тегишли корхоналар жойлаштирилган ҳолларда қўлланилади. Ичкари-аралаш план ечимини қўллаш шаҳардаги саноат корхоналари санитария классификацияси бўйича бир-биридан кескин фарқ қилган ҳолларда мақсадга мувофиқ ҳисоблана

расм. Саноат ҳудудларининг планлари:

а) - лентасимон схема: 1 – аҳоли яшайдиган ҳудуд; 2 –санитария - ҳимоя зонаси: 3 - саноат-зонаси; 4 - ташқи темир йул транспорти; 5 - автомагистраль; 6 - яшил зона; б) - ичкари-аралаш схема: 1 -аҳоли яшайдиган ҳудуд; 2 - санитария-ҳимоя зонаси; 3 - II ва III класс корхоналар; 4 - IY класс корхоналар; 5 - ташки транспорт зонаси; 6 - дарё транспорти обьектлари; 7 - яшил зона; 8 - автомагистраль: 9 - ишлаб чиқариш-яшаш зонаси.



Алоҳида саноат корхонасининг бош план ечими у жойлашган саноат худудининг бош планини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Бош планда ишлаб чиқариш корхонаси худудида ундаги технологик жараёнлар, санитария- гигиена, ёнфинга қарши кураш ва экология талабларидан келиб чиқсан ҳолда корхонага қарашли барча биноларни ва транспорт, инженерлик коммуникациялари тармоқларини жойлаштириш, корхона худудини ободонлаштириш масалалари ўз ечимини топади.

Бу масалани ҳал қилишда корхона худуди одатда 4 зонага бўлинади:

1) завод олди зонаси - бунда заводга тегишли маъмурий ва ёрдамчи бинолар, тиббиёт, ўқув илмий - тадқиқот муассасалари жамоат ташкилотлари жойлаштирилади.

2) ишлаб чиқариш зонаси- бунда корхонага тегишли барча асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари жойлаштирилади;

3) ёрдамчи зона - -унда энергетика иншоотлари, ер ости ва устидан ўтадиган инженерлик коммуникациялари жойлаштирилади;

4) омборлар зонаси - бунда ҳом-ашё материаллари ёки корхонада катта ишланадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлар, ёқилғи – мойлаш материалларини сақлаш учун омборлар ва транспортга тегишли бинолар жойлаштирилади

Мазкур зоналар орасидаги алоқа технологик жараёнга мувофиқ ташкил қилинади. Бинолар орасидаги масофалар санитария ва ёнфинга қарши кураш талабларини қондириш керак.

Деворлардаги деразалар орқали ёритиладиган ёнма-ён турган бинолар орасидаги масофа санитария меъёрларига кўра баландлиги катта бинонинг карнизигача бўлган баландлигидан кичик бўлмаслиги керак.

Ёнфинга қарши кураш талабларига биноан бинолар орасидаги минимал масофа ёнма-ён турган бинолар конструкцияларининг оловбардошлик даражаси ва бинонинг портлаш ва ёнгин-ҳавфи бўйича категориясига мувофиқ равища белгиланади.

#### Бинолар орасидаги минимал масофа, м

Бинонинг оловбардошлик даражаси	Бинонинг оловбардошлик даражаси		
	I ва II	III	IV ва Y
I ва II	Чекланмаган ( Г ва Д категориялар учун )	9	12
III	9	12	15
IV ва Y	12	15	18

Корхоналар бош планларини ишлаб чиқишида улардаги одамлар ва юк транспорти оқимларини бир-биридан ажратиш керак. Одамлар оқими соатига 300 кишидан кўп бўлган ҳолларда одамлар ва юк траспорти оқимлари бир сатҳда кесишинасларни талаб қилинади.

Корхонага кириш ишчилар келадиган асосий йўл томонда бўлиши керак. Бир нечта кириш бўлган ҳолларда, улар орасидаги масофа 1,5 км дан ошмаслиги лозим. Умумий майдони 5 гектардан катта бўлган саноат корхоналарига одамлар ва транспорт учун камида иккита кириш жойи бўлиши талаб қилинади.

Бино ва иншоотларнинг эни 18 м гача бўлганда бинонинг бир томонидан. 18 м дан катта бўлганда бинонинг икки томонидан ўт ўчириш машиналари бинога яқинлаша олишлари учун жой бўлиши керак. Эни 100 метирдан (м) кўп бўлган биноларнинг барча томонидан ўт ўчириш машиналари яқинлаша олиши учун шароит яратилиши лозим. Ўт ўчириш машиналари юриши мумкин бўлган йўл (маҳсус қопламаси бўлиши ҳам



Lobachevsky  
UNIVERSITY



мумкин ) билан бино девори орасидаги масофа 25 м дан кўп бўлмаслиги керак. Саноат корхоналарнинг ҳудудида камида 15 % майдон қўкаламзорлаштирилиши талаб қилинади.

### **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР**

13. Асатов, Н. А., & Саримсоков, С. Ш. (2022). ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ДИНАМИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ВИСЯЧИХ СИСТЕМ. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 232-237.
14. Sarimsoqov, S. S. (2022). Armaturalangan ikki qiyali yog ‘och to ‘sinni loyihalash. *Science and Education*, 3(2), 175-183.
3. Sarimsoqov, S. (2019). The main characteristics of the situational method of teaching a
4. Sarimsoqov, S. S. (2023). Seysmik hodisalar va ularning kelib chiqish sabablari. *Science and Education*, 4(4), 429-436.
5. Карабеков, У. А., & Каримов, В. Ш. У. (2021). Использование ГИС-технологий в городах строительство. *Science and Education*, 2(5), 257-262.
6. Karabekov, U. A. (2022). IMPROVE THE USE OF GIS IN LAND MANAGEMENT FOR AGRICULTURE AND FARMERS. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 256-259.
7. Karabekov, U. B. A. (2022). Qishloq xo‘jaligi va landshaft kartalarini yaratishda GAT dasturlarini qo ‘llash texnologiyasini takomillashtirish. *Science and Education*, 3(2), 163-168.



Lobachevsky  
UNIVERSITY



Новосибирский  
государственный  
университет  
настоящая наука

